

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки
Статистика ва тадқиқотлар департаменти
У. Ҳамиджонов, Н. Авазов

**Иқтисодий фаоллик даражаси ва иқтисодий кутилмалар
(тадбиркорлик субъектлари ўртасида ўтказилган
сўровнома натижалари)**

Тошкент 2025

**Иқтисодий фаоллик даражаси ва иқтисодий кутилмалар
(тадбиркорлик субъектлари ўртасида ўтказилган сўровнома
натижалари)**

Ушбу мақоладаги қарашлар муаллифларнинг шахсий фикр ва мулоҳазалари бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий позицияси билан мос тушмаслиги мумкин. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мақола мазмуни учун жавобгарликни зиммасига олмайди. Тақдим қилинган материалларни ҳар қандай услубда қайта ишлатиш фақатгина муаллифлар рухсати билан амалга оширилади.

Статистика ва тадқиқотлар департаменти томонидан тайёрланди.
Ўз таклиф ва эътирозларингизни қуйидаги манзилга жўнатишингиз мумкин:
E-mail: n.avazov@cbu.uz

Иқтисодий фаоллик даражаси ва иқтисодий кутилмалар (тадбиркорлик субъектлари ўртасида ўтказилган сўровнома натижалари)


2025 йил июнь ойи якуни бўйича республика миқёсида 664 та тадбиркорлик субъектлари (*юридик шахслар*) иштирокида иқтисодий фаоллик даражаси ва иқтисодий кутилмаларни ўрганиш бўйича сўровнома¹ ўтказилди. Сўровномада иштирок этган тадбиркорлик субъектларининг **41,1** фоизи **саноат** тармоғида, **24,7** фоизи **хизматлар** соҳасида, **20,2** фоизи **савдо**да ҳамда **13,7** фоизи қурилишда фаолият юритади.

Саноат тармоғи

Сўровномада **275** та саноат корхонаси иштирок этди. Унда иштирок этган тадбиркорлик субъектлари корхоналар географиясидан келиб чиққан ҳолда ҳудудлар кесимида пропорционал равишда танлаб олинди. Мазкур сўровномада иштирок этган саноат корхоналарининг **21,5** фоизи **Тўқимачилик, тайёр кийимлар** ишлаб чиқариш, **19,3** фоизи **Озиқ-овқат, ичимлик ва тамаки** ишлаб чиқариш, **14,9** фоизи **Қурилиш материаллари** ишлаб чиқариш ҳамда қолганлари бошқа саноат тармоқларида фаолият юритувчи корхоналар ҳисобланади.

1-расм

Сўровномада иштирок этган саноат корхоналарининг саноат тармоқлари бўйича тақсимланиши, фоизда



Сўровномада иштирок этган саноат корхоналарининг 52 фоизи июнь ойида **ишлаб чиқариш ҳажми** ўзгармаганини қайд этган бўлса, 39 фоизи ошганлигини ҳамда қолган қисми эса камайганини кўрсатган.

¹ Мазкур сўровнома ҳар ой якуни бўйича доимий равишда ўтказилиб келинади.

Саноат корхоналарининг **экспорт ҳажми** тенденциясида ҳам юқоридаги ҳолатни кузатиш мумкин. Яъни мазкур корхоналарнинг 66 фоизи экспорт ҳажмининг ўзгармаганлигини, 25 фоизи ошганлигини ва 9 фоизи камайганини кўрсатган.

Маълумот учун: ўтган йилнинг мос даврида ўтказилган сўровномада респондент саноат корхоналарининг 59 фоизи ишлаб чиқариш ҳажми ўзгармаганлигини, 28 фоизи ошганлигини ҳамда 13 фоизи камайганлигини кўрсатган. Мазкур корхоналарнинг экспорт ҳажми ҳам ишлаб чиқаришга мос равишда ўзгарган ҳолда 21 фоиз корхонада экспорт ҳажми ошган, 11 фоиз корхонада камайган ҳамда 68 фоиз корхонада ўзгармаган.

Саноат корхоналарининг 67 фоизи ўзидаги **иш ўринлари сони** ўзгармаганини кўрсатган бўлса, 24 фоизи ошганини 9 фоизи эса камайганини келтирган. Сўровнома ўтказилган даврда мазкур корхоналарнинг 64 фоизида **иш ҳақи миқдори** ўзгармаган бўлса, 32 фоизида ошган ва 4 фоизида пасайган.

Иш ҳақи мидорининг ошганини кўрсатган тадбиркорлик субъектларининг 42 фоизида иш ҳақи 6-10% миқдорда ошган бўлса, 27 фоизида 1-5% миқдорда, 25 фоизида 11-15% миқдорда, 5 фоизида 16-20% миқдорда ҳамда қолган 1 фоизида иш ҳақи 20% дан юқори ошган. Иш ҳақи камайганини кўрсатган корхоналарнинг 33 фоизида иш ҳақи миқдори 6-10 % га, 22 фоизида 1-5% га, 22 фоизида 16-20% га, 11 фоизида 11-15% га ҳамда қолган 11 фоизида 20% дан кўпроққа камайган.

Маълумот учун: ўтган йилнинг мос даврида ўзидаги иш ўринларини ошгани, камайгани ҳамда ўзгармаганини кўрсатган респондентларнинг нисбати мос равишда 21%, 8% ва 71% ни ташкил қилган. Шунингдек, иш ҳақи мидорининг ўзгариши бўйича юқоридаги нисбат мос равишда 23%, 6% ва 71% бўлган.

Июнь ойи мобайнида саноат корхоналарининг ярмидан кўпроғида (55%) **ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражаси** ўзгармаган бўлса, сўровномада иштирок этган саноат корхоналарининг 34 фоизида ошган ҳамда қолган 11 фоиз корхонада камайган.

Бунда иштирок этган саноат корхоналарининг 24 фоизи мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан 81-100% оралиғида фойдаланаётган бўлса, 49 фоизи 61-80% оралиқда ҳамда қолган 27 фоиз корхона 60% дан кам фойдаланаётганини кўрсатган.

Маълумот учун: ўтган йилнинг мос даврида ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражаси 27 фоиз корхонада ошган, 15 фоиз корхонада камайган ҳамда қолган 58 фоиз корхонада ўзгармаган.

Мазкур даврда таъминотчилар томонидан **хомашё етказиб бериш муддатлари** сўровномада иштирок этган саноат тармоғида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларининг 60 фоизи ўзгармаганини қайд этган бўлса, 32 фоизида мазкур муддат яхшиланган ҳамда қолган 8 фоиз корхонада ёмонлашган.

Сўровномада иштирок этган саноат корхоналарининг 61 фоизи май ойига нисбатан июнь ойида **хомашё нархлари** ўзгармаганини, 34 фоизи ошганини ҳамда 4 фоизи пасайганини кўрсатган. Хомашё нархлари ошганини қайд этган тадбиркорлик субъектларининг 47 фоизи нарх ошишини 6-10% оралиқда, 41 фоизи 1-5% оралиқда ҳамда 15 фоизи 11-15% оралиқда ва қолган қисми нархлар 16-20% оралиқда ошганини белгилаган.

Нархлар пасайганини кўрсатган корхоналардан деярли ярми (44%) хомашё нархлари 1-5% оралиқда пасайганини кўрсатган бўлса, қолган корхоналар бу пасайишни 5 фоиздан юқори деб ҳисоблаган.

Маълумот учун: ўтган йилнинг мос даврида таъминотчилар томонидан хомашё етказиб бериш муддатлари яхшиланган, ёмонлашган ҳамда ўзгармаган саноат корхоналари нисбати мос равишда 25%, 8% ва 67% ни ташкил қилган. Шунингдек, бу даврда респондентларнинг 28 фоизи хомашё нархларининг ошганини, 6 фоизи пасайганини ҳамда 66 фоизда ўзгармаганлигини қайд этган.

Сўровномада иштирок этган саноат корхоналарининг 40 фоизи **жорий молиявий ҳолати**ни яхши деб баҳолаган бўлса, 52 фоизи қониқарли ҳамда қолган 8 фоизи ёмон эканлигини кўрсатган.

Бунга мутаносиб равишда мазкур корхоналарнинг 37 фоизида **айланма маблағлар билан таъминланганлик даражаси** яхши ҳолатда бўлган бўлса, 52 фоизида қониқарли ҳамда 11 фоизида ёмон ҳолатда бўлган.

Ишлаб чиқарган маҳсулотларига **талаб даражаси**ни жорий ҳолатда иштирок этган саноат корхоналарининг 73 фоизи нормал даражада эканлигини кўрсатган бўлса, 8 фоизида юқори даражада ҳамда қолган 19 фоизида паст даражада талаб мавжуд бўлган.

Шунингдек, июнь ойи ҳолатига **ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотлар захираси** сўровномада иштирок этган саноат корхоналарининг 82 фоизида нормал даражада бўлган бўлса, 8 фоизида юқори даражада ҳамда 9 фоизида паст даражада эканлиги қайд этилди.

Июнь ойи ҳолатига сўровномада қатнашган саноат корхоналарининг 85 фоизида **харид қилинган хомашё материаллари захираси** нормал даражада бўлган бўлса, 7 фоизида юқори даражада захира мавжуд ҳамда қолган қисмида (8%) захира етрали даражада бўлмаган.


Маълумот учун: ўтган йилнинг мос даврида ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулот захираси бўйича 77 фоиз респондентларда нормал даражада, 9 фоизида юқори даражада ҳамда 14 фоизида паст даражада шаклланганлиги билдирилган. Шунингдек, ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиш учун харид қилинган хомашё материаллари захираси юқори, нормал ҳамда паст даражада шаклланган корхоналар нисбати мос равишда 6%, 80% ва 14% ни ташкил қилган.

Экспорт маҳсулотларига талаб даражаси июн ойи ҳолатига иштирок этган саноат корхоналаринг 72 фоизда нормал даражада, 5 фоиз корхонада юқори даражада ҳамда 23 фоиз корхонада паст даражада шаклланган.

Сўровномада иштирок этган саноат корхоналари ишлаб чиқариш ҳажмининг ошишига тўсиқ бўлаётган асосий омиллар сифатида **талабнинг паст даражада эканлиги** ҳамда **етарли даражада айланма маблағларнинг мавжуд эмаслигини** кўрсатган. Бундан ташқари саноат корхоналарининг 12 фоизи **импорт товарларининг кўплигини**, 11,6 фоизи **электр-энергияси билан боғлиқ муаммоларни** ҳамда 7,3 фоизи **табiiй газ бўйича муаммоларни** ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтиришга салбий таъсир этаётган асосий муаммолар эканлигини кўрсатиб ўтган.

2-расм

Саноат корхоналари ишлаб чиқариш ҳажмининг ошишига тўсиқлик қилаётган омиллар, фоизда



Саноат корхоналарининг келгуси 3 ой учун иқтисодий кутилмалари июнь ойи якуни ҳолати бўйича нисбатан ижобий шаклланган. Сўровномада иштирок этган корхоналарнинг 48 фоизи **келгуси 3 ойда ишлаб чиқариш ҳажмининг** ошишини кутаётган бўлса, 44 фоизи ўзгармаслигини ҳамда 8 фоизи камайиши бўйича прогнозларини кўрсатган.

Шунингдек, ишлаб чиқариш ҳажми бўйича кутилмаларга мос равишда **иш ўринлари сонини ўзгариши** бўйича ҳам корхоналарда ижобий кутилмалар мавжуд. Хусусан, корхоналаринг 35 фоизи келгуси 3 ойда ўзидаги иш ўринлари ошишини прогноз қилаётган бўлса, 56 фоизи ўзгармаслигини ҳамда 9 фоизи камайишини кутаётганини кўрсатиб ўтган.

Қурилиш соҳаси

Сўровномада қурилиш соҳасида фаолият юритадиган **91** та корхона иштирок этди. Бунда сўровномада иштирок этадиган тадбиркорлик субъектлари корхоналарнинг географиясидан келиб чиққан ҳолда ҳудудлар кесимида танлаб олинди.

Қурилиш корхоналарининг **бajarган қурилиш ишлари ҳажми** июнь ойи ҳолатида май ойига нисбатан сўровномада иштирок этган қурилиш корхоналарининг 56 фоизда ошган бўлса, 32 фоизда ўзгармаган ва қолган 12 фоизда эса камайган.


Маълумот учун: ўтган йилнинг мос даврида сўровномада иштирок этган қурилиш корхоналарининг 46 фоизда қурилиш ишлари ҳажми ошган, 11 фоизда камайган ҳамда 44 фоизда ўзгармаган.

Сўровнома натижаларидан иқтисодий фаолият турлари бўйича қурилиш ишлари май ойига нисбатан июнь ойида сезиларли ошганини кўриш мумкин. **Аҳоли учун уй-жойлар қурилиши** йўналишида сўровномада иштирок этган корхоналарнинг 45,1 фоизи ошганлигини кўрсатган бўлса, **Тадбиркорлик учун бино ва иншоотлар қурилиши** йўналишида 36,3 фоиз ҳамда **Инфраструктура объектлари қурилиши** йўналишида 50,5 фоиз корхоналар қурилиш ишлари кўпайганлигини кўрсатган.

Маълумот учун: ўтган йилнинг мос давридаги сўровнома натижаларига кўра, қурилиш ишларини ошганлигини кўрсатган корхоналар улуши аҳоли учун уй-жой қурилиши йўналишида 46 фоизни, тадбиркорлик учун бино ва иншоотлар қурилиши йўналишида 36 фоизни ҳамда инфраструктура объектлари қурилиш йўналишида 35 фоизни ташкил қилган.

3-расм

Иқтисодий фаолият турлари бўйича қурилиш ишларини бажаралиши ҳолати, фоизда



Қурилиш соҳасида **иш ўринлари** сони бўйича сўровномада иштирок этган корхоналарнинг 46 фоизи ошганлигини кўрсатган бўлса, 45 фоиз корхонада ўзгармаган ҳамда 9 фоиз корхонада камайган. Шунингдек, мазкур корхоналарнинг 46 фоизи **ойлик иш ҳақини** ошганлигини, 45 фоизи ўзгармаганлигини ҳамда 9 фоизи камайганлигини белгилаган.

Иш ҳақи миқдори ошди деб кўрсатган корхоналарнинг 35 фоизида иш ҳақи 11-15% орталиқда, 32 фоизида 6-10% орталиқда ҳамда 29 фоизида 1-5% орталиқда иш ҳақи ошган бўлса, иш ҳақи камайганини кўрсатган корхоналарнинг ярмида иш ҳақи 11-15% фоизга, қолган ярмида 6-10% орталиқда камайган.

Маълумот учун: ўтган йилнинг мос даврида иш ўринлари сони ҳамда ўртача ойлик иш ҳақи даражасини ошганлиги, камайганлиги ҳамда ўзгармаганлигини кўрсатган корхоналар улуши мос равишда 33%, 7% ва 60% ни ташқил қилган.

Таъминотчи томонидан **хомашё етказиб бериш муддатлари** 50 фоиз қурилиш корхонасида яхшиланган бўлса, 41 фоизида ўзгармаган ҳамда 9 фоиз корхонада ёмонлашган.


Қурилиш материаллари нархлари бўйича сўровномада иштирок этган 44 фоиз корхона ошганини, 48 фоизи ўзгармаганлигини ҳамда 8 фоиз корхона тушганлигини кўрсатган. Бунда нархлар ошганини кўрсатган корхоналарнинг ярмидан ортиғи (56%) нархларнинг 6-10% орлиқда ошганлигини кўрсатган бўлса, 31 фоизи 1-5% орталиқда ҳамда 10 фоизи 11-15% орлиқда ошганлигини кўрсатган.

Нархлар пасайганини кўрсатган тадбиркорлик субъектларининг 29 фоизи нархларининг 1-5% орлиқда, 29 фоизи 6-10% орлиқда ҳамда қолган қисми нархларни 10% дан баланд тушган деб ҳисоблаган.

Маълумот учун: ўтган йилнинг мос даврида қурилиш материаллари нархлари ошди деб ҳисоблаган тадбиркорлик субъектларининг улуши 38 фоизни, пасайганини билдирганларнинг улуши 1 фоизни ҳамда ўзгариш сезмаганларининг улуши 61 фоизни ташқил қилган. Хомашё етказиб бериш муддатлари эса 44 фоиз тадбиркорлик субъектларида яхшиланган, 5 фоизида ёмонлашган ҳамда 52 фоизида ўзгармаган.

Сўровнома натижаларига кўра, қурилиш корхоналарининг **молиявий ҳолати** яхши эканлигини хулоса қилиш мумкин. Мазкур сўровномада иштирок этган қурилиш корхоналарнинг 53 фоизи ўзидаги молиявий ҳолат яхши эканлигини кўрсатган бўлса, 40 фоизи қониқарли эканлигини ҳамда 8 фоизи ёмонлигини кўрсатган. Шунингдек мазкур корхоналарнинг 51 фоизида **айланма маблағлар билан таъминланганлик даражаси** яхши бўлса, 41 фоизида қониқарли ҳамда 8 фоизида ёмон ҳолатдалиги кўрсатилган.

Қурилиш корхоналари томонидан бажариладиган ишлар ҳажмининг ошишига тўсқинлик қилаётган омиллар, фоизда



Қурилиш ишларига талаб даражаси 69 фоиз қурилиш корхоналарида нормал даражада, 18 фоизида юқори ҳамда 13 фоизида паст даражада шакланган.

Фаолиятини кенгайтиришга тўсиқ бўлаётган асосий омиллар бўйича сўровномада иштирок этган қурилиш корхоналаридан 19,8 фоизи тўсиқ бўлаётган асосий омил сифатида **электр-энергия бўйича юзага келган муаммоларни** кўрсатган бўлса, 18,7 фоизи **айланма маблағларнинг етарли эмаслигини** кўрсатган.

Шунингдек қурилиш фаолиятининг кенгайишига салбий таъсир қилаётган омиллар қаторига 16,5 фоиз корхона хомашё билан боғлиқ муаммоларни, 14,3 фоизи табиий газ билан боғлиқ масалаларни, 13,2 фоизи талабнинг пастлигини ҳамда қолган қисми асбоб-ускуналар етишмаслигини кўрсатиб ўтган.

Сўровнома натижаларига кўра, қурилиш корхоналарнинг иқтисодий кутилмалари ижобий шакланаётганлигини кузатиш мумкин. Сўровномада иштирок этган қурилиш корхоналарининг 60 фоизи **келгуси 3 ойда қурилиш ишлари ҳажмини** ошишини кутаётган бўлса, 30 фоизида ўзгармаслиги ҳамда 10 фоизида камайиши бўйича кутилмалар мавжуд.

Шунингдек, мазкур корхоналарнинг **келгуси 3 ойда иш ўринлари сони** ошиши бўйича ҳам ижобий кутилмалар мавжуд. Яъни сўровномада иштирок этган қурилиш корхоналарининг 51 фоизи иш ўринларини ошиши бўйича, 41 фоизида ўзгармаслиги ҳамда 9 фоизида камайиши бўйича кутилмалар шакланган.

Хизматлар соҳаси


Сўровномада хизматлар соҳасида фаолият юритаётган республиканинг барча ҳудудларидан корхоналарнинг географик жойлашувига кўра танлаб олинган **164** та корхона иштирок этди. Иштирок этган корхоналарнинг 20,1 фоизи **транспортхизматларини** кўрсатувчи, 15,9 фоизи **умумий овқатланиш** тармоғида фаолият юритувчи, 15,2 фоизи **меҳмонхона ва туризм** хизматлари, 15,2 фоизи **тиббиёт хизматлари**, 4,3 фоизи **таълим хизматлари** ҳамда 4,9 фоизи **ахборот ва алоқа хизматларини** кўрсатувчи субъектлар ҳисобланади.

Сўровномада иштирок этган хизмат кўрсатиш корхоналарининг 46 фоизи сўнгги ойда корхонаси томонидан **кўрсатилган хизматлар ҳажми** ошганлигини, 11 фоизи камайганлигини ҳамда 43 фоизи ўзгармаганлигини маълум қилди. Шу билан бирга, сўнгги ойда корхона **хизматларига бўлган талабнинг** ошганлигини, камайганлигини ва ўзгармаганлигини қайд этган респондентларнинг улуши мос равишда 42, 13 ва 45 фоизларни ташкил этди.

Маълумот учун: 2024 йилнинг мос даврида кўрсатилган хизматлар ҳажмининг ошганлигини билдирган респондентлар улуши 34 фоизга, камайганлигини – 12 фоизга ҳамда ўзгармаганлигини – 55 фоизга тенг бўлди.

5-расм

Сўровномада иштирок этган корхоналарнинг хизмат кўрсатиш тармоқлари бўйича тақсимланиши, фоизда



Хизмат кўрсатиш корхоналарининг асосий қисмида – 64 фоизида сўнгги ойда **ишчилар сони** ўзгармаган, 27 фоизида ошган бўлса, 9 фоизида камайган. Ўз навбатида, **ўртача ойлик иш ҳақининг** ўтган ойга нисбатан ошганлигини 28 фоиз корхоналар билдирган бўлса, 4 фоиз корхоналар камайганлигини маълум қилди.

Қолган 68 фоиз респондентлар ойлик иш ҳақининг ўзгармаганлигини қайд этди. Корхоналар маълум қилган иш ҳақининг ўзгариши оралиғидан келиб чиқиб амалга оширилган ҳисоб-китоблар 2025 йил июнь ойида иш ҳақи ўртача 1,8% га ошганлигини кўрсатди.

Маълумот учун: ўтган йилнинг мос даврида хизмат кўрсатиш корхоналарида иш ҳақининг ўртача ўсиши 1,3% ни ташкил этди.

Ҳар 4 та корхонадан 1 таси (25 фоизи) корхона томонидан кўрсатилаётган **хизматлар нархини** ўтган ойга нисбатан ошганини, ҳар 20 тадан 1 таси (5 фоизи) эса пасайганини таъкидлади. Қолган 70 фоиз хизмат кўрсатиш корхоналарида нархлар ўзгармаганлиги маълум бўлди. Ҳисоб-китоблар кўра, хизматлар нархининг ўртача ўсиши 1,3% га тенг бўлди.


Хизмат кўрсатиш корхоналаридан жорий **молиявий ҳолатини** баҳолаш сўралганда, “яхши” деб белгилаган корхоналар улуши 55 фоизни, “қониқарли” – 41 фоизни ҳамда “ёмон” – 4 фоизни ташкил этди. Шунингдек, корхонанинг **айланма маблағлар билан таъминланганлик ҳолатини** респондентларнинг 48 фоизи яхши, 46 фоизи қониқарли ва қолган 6 фоизи ёмон деб баҳолади.

Маълумот учун: ўтган йилнинг мос даврида молиявий ҳолатини “яхши” деб баҳолаган корхоналар улуши 46 фоизни, “қониқарли” – 48 фоизни ҳамда “ёмон” – 6 фоизни ташкил этган эди.

Хизмат кўрсатиш корхоналари фаолиятини кенгайтиришга салбий таъсир кўрсатаётган омиллар сифатида **малакали мутахассисларнинг етишмаслиги (сўровномада иштирок этганларнинг 16,5 фоизи), электр энергия (14,6 фоиз) ва табиий газ (14 фоиз)** билан боғлиқ муаммоларни таъкидлади.

6-расм

Кўрсатилган хизматлар ҳажмининг ошишига тўсқинлик қилаётган омиллар, фоизда



Шунингдек талабнинг етарли даражада эмаслиги (11 фоиз), айланма маблағларнинг етарли эмаслиги (9,1 фоиз) ҳамда техник асбоб-ускуналардаги етишмовчиликлар (6,7 фоиз) хизмат кўрсатиш корхоналари фаолиятини кенгайтиришга салбий таъсир кўрсатаётгани билдирилди.

Шу билан бирга, хизмат кўрсатиш корхоналарининг келгуси 3 ойдаги корхона фаолиятига оид кутилмалари ўрганилди. Хусусан, кўрсатилган хизматлар ҳажмининг ошиши, камайиши ва ўзгармаслигини прогноз қилган тадбиркорлик субъектлари улуши мос равишда 54, 7 ва 39 фоизларни ташкил этди. Шунингдек, 51 фоиз корхоналар келгуси 3 ойда корхона хизматларига талаб ошади деб ҳисобласа, 5 фоиз корхоналар камайишини таъкидлади. Қолган 44 фоиз корхоналар хизматларга талаб ўзгармаслигини кутмоқда. Бундан ташқари, 43 фоиз респондентлар келгуси 3 ойда ишчилар сонини оширмақчилигини, 6 фоиз – камайтирмоқчилигини ҳамда 51 фоиз – ўзгармаслигини маълум қилди.


Савдо тармоғи

2025 йил июнь ойида ўтказилган сўровномада савдо соҳасида фаолият юритувчи 134 та тадбиркорлик субъектлари иштирок этган бўлиб, шундан 47,8 фоизи чакана савдо, 52,2 фоизи улгуржи савдо корхоналари ҳисобланади.


Сўровномада иштирок этган корхоналарнинг асосий қисми (жамига нисбатан 36,6 фоиз) озиқ-овқат савдоси ҳамда дори воситалари савдоси (14,9 фоиз) билан шуғулланади. Шунингдек, қурилиш материаллари савдоси (9 фоиз), хўжалик моллари савдоси (3,7 фоиз), маиший техника савдоси (3 фоиз) ҳамда кийим-кечак савдоси (0,7 фоиз) билан шуғулланувчи савдо корхоналари ҳам иштирок этган.

7-расм

Сўровномада иштирок этган савдо соҳасида фаолият юритувчи корхоналарнинг асосий йўналишлари, фоизда



Сўровномада иштирок этган корхоналарнинг савдо тармоқлари бўйича тақсимланиши, фоизда



Сўровномада иштирок этган савдо корхоналарининг 48 фоизида сўнгги ойда сотувлар ҳажми ошгани, 16 фоизида камайгани ва қолган 36 фоизида ўзгармагани қайд этилди.

Маълумот учун: 2024 йилнинг июнь ойида савдо ҳажми ошган, камайган ва ўзгармаган деб ҳисобловчи савдо корхоналари улуши мос равишда 27, 17 ва 56 фоизларни ташкил этди.

Шунингдек, деярли 30 фоиз респондентлар сўнгги ойда ҳам **иш ўринлари сонини** ошганлигини ҳам **ўртача ойлик иш ҳақининг** миқдори ошганлигини маълум қилган бўлса, 2 фоиз респондентлар камайганлигини билдирди. Қолган 68 фоиз тадбиркорлик субъектларида иш ўринлари сони ва ўртача ойлик иш ҳақи ўзгармаганлиги қайд этилди. Мазкур даврда ойлик иш ҳақининг ўртача ўсиши 2,6% ни ташкил этди.

Маълумот учун: ўтган йилнинг мос даврида савдо корхоналарида ойлик иш ҳақининг ўртача ўсиши 0,7 фоизни ташкил этди.


Сўровномада иштирок этган савдо корхоналарининг 51 фоизи уларга **етказиб берилаётган товарларнинг улгуржи нархлари** ўтган ойга нисбатан ошганлигини, 5 фоизи эса пасайганлигини маълум қилди. Қолган 44 фоиз иштирокчилар етказиб берилаётган товарларнинг улгуржи нархлари ўзгармаган деб ҳисоблайди. Респондентлар маълум қилган **нархлар ўзгариши** оралиғидан келиб чиқиб амалга оширилган ҳисоб-китоблар уларга етказиб берилаётган товарларнинг улгуржи нархлари ўртача 3,2% га ошганлигини кўрсатди.

Шу билан бирга, **мавжуд товарлар захирасининг** жорий ҳолати нормал даражада бўлган савдо корхоналари улуши 89 фоизни ташкил этди. Нормал даражадан юқори деб баҳолаган корхоналар улуши 7 фоиз бўлса, нормал даражадан паст деб ҳисоблаган савдо корхоналари улуши 4 фоизга тенг бўлди.

Маълумот учун: 2024 йилнинг мос даврида мавжуд товарлар захирасини нормал даражада деб ҳисоблаган савдо корхоналари улуши 75 фоизга тенг бўлган бўлса, нормал даражадан юқори деб ҳисоблаганлар улуши 9 фоизга тенг бўлди. Қолган 16 фоиз корхоналар жорий товарлар захираси нормал даражадан паст деб ҳисоблашини билдирди.

Савдо корхоналари савдо ҳажмининг ошишига салбий таъсир қилаётган асосий омиллар сифатида **айланма маблағларининг танқислиги** (жамига нисбатан 26,9 фоиз), **етарли даражада талаб мавжуд эмаслиги** (17,2 фоиз) ҳамда **тайёр маҳсулот таъминотидаги муаммолар** (7,5 фоиз) кабиларни кўрсатган.

Савдо ҳажмининг ошишига тўқинлик қилаётган омиллар, фоизда



Бундан ташқари, сўровномада иштирок этган савдо корхоналарининг 58 фоизи **келгуси 3 ойда сотув ҳажми** ошади деб ҳисобласа, 8 фоизи савдо ҳажмлари камайишини прогноз қилмоқда. Қолган 33,6 фоиз респондентлар маҳсулотлар сотув ҳажмида ўзгариш бўлмаслигини кутмоқда. Шунингдек, **келгуси 3 ойда корхонада иш ўринлари сони** ошишини, камайишини ва ўзгармаслигини таъкидлаган савдо корхоналари улуши мос равишда 39,2 ва 59 фоизларни ташкил этди.

Иқтисодий фаоллик ва ишбилармонлик кайфияти индекси

Сўровнома натижалари умумлаштирилиб, ҳисоб-китоблар асосида иқтисодиётдаги жорий ҳолатни кўрсатувчи **Иқтисодий фаоллик индекси (ИФИ)** ҳамда иқтисодий кутилмаларни кўрсатувчи **Ишбилармонлик кайфияти индекси (ИКИ)** шакллантирилади. Ушбу индексларнинг узоқ муддатлик динамикаси ИФИ ва ИКИ 2025 йилнинг июнь ойида 2024 йилнинг июнь ойига нисбатан сезиларли яхшиланганини кўрсатмоқда. Хусусан, ИФИ 3,6 бирликка ўсиб, 63,9 ни ташкил этган бўлса, ИКИ 5 бирликка яхшиланиб, 59,5 га етди.

9-расм

Иқтисодий фаоллик ва ишбилармонлик кайфияти индекслари динамикаси

